Адл ила олам юзин обод қил

# Куч – адолатда

2020 йил
24 июль,
жума
№ 24-25 (798)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШДА МАРДОНА КУРАШАЁТГАН ФИДОЙИ ШИФОКОРЛАРИМИЗГА ҲАР ҚАНЧА РАҲМАТЛАР АЙТСАК, АРЗИЙДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимиз пандемияга қарши қандай кураш олиб бораётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.***

Хусусан, ҳозирда COVID-19 юқтирганлар сони 18 минг 700 нафардан ошгани, вазият ҳамон жиддий бўлиб қолаётгани таъкидланди.

— Аҳволи оғир беморлар сони кўпайиб бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Коронавирусга қўшимча равишда пневмония ҳолатлари ҳам кенг тарқалмоқда. Шу сабабли, охирги 10 кунда 4 та селектор ўтказиб, ҳокимлар, вазирлар ва бошқа мутасадди раҳбарларга қўшимча даволаш ўринларини ташкил этиш, симптомсиз касалларни уйда тизимли даволаш, уларни зарур дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминлаш, тез тиббий ёрдам тизими ишини яхшилаш бўйича тегишли топшириқлар берган эдим. Бугун ҳисоботларни эшитамиз.

Шавкат Мирзиёев ҳозиргача амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритар экан, охирги кунларда коронавирусни даволаш учун қўшимча 46,5 мингта ўрин ажратилгани, яна 31 мингта ўрин ташкил этилиши, 397 та тез тиббий ёрдам машинаси харид қилингани, бир ой муддатда яна 409 та машина жойларга етказилишини таъкидлаб ўтди.

— Халқаро ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олиб, коронавирусни даволаш стратегияси ва тактикаси янгиланди, — деди Президент. — Тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва пенсияга чиққан мутахассислар орасидан жами 5 мингта врач ҳамда 9 мингта ҳамшира беморларни даволаш ва маслаҳат беришга жалб этилди.

— Шу ўринда ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, касалликка қарши мардона курашаётган фидойи шифокорларимизга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди. Бугун коронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаётини асраш, юртимизда инфекцияни жиловлашда улкан жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ тиббиёт, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларини ва бошқа ташкилотчиларини фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонни имзоладим, — деди давлатимиз раҳбари.

Олдинда бундай мукофотлар кўп бўлиши таъкидланди. Бу курашда ўзини аямай меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимлари албатта муносиб тақдирланади.

— Биз пневмонияни даволашда нафақат ўзимизнинг шифокорлар, балки видеоалоқа орқали хориждаги етакчи мутахассисларни консультация беришга жалб қиляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ҳозирги вақтда германиялик тиббиёт профессори юртимизга келиб, даволаш жараёнларида бевосита иштирок этмоқда. Бугун Туркиядан бир гуруҳ профессорлар етиб келади. Бошқа давлатлардан ҳам энг тажрибали мутахассисларни жалб қилиш бўйича иш олиб боряпмиз.

Президентимизнинг қайд этишича, бугунги кунда энг муҳим вазифа аҳоли ўртасида вирус занжирини узиш ҳисобланади. Бунинг учун карантин талабларига сўзсиз амал қилиш, уларнинг иммунитетини мустаҳкамлаш, соғлиғини асраб-авайлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти учун курашиш зарур.

Шу муносабат билан, шунингдек, касаллик юқтирилишининг олдини олиш, ўлим ҳолатларини кескин камайтириш мақсадида, Республика махсус комиссиясининг амалдаги карантин чекловларини узайтириш таклифига розилик билдирилди.

Бунда "Пандемияга қарши кураш — ҳар биримизнинг виждон ишимиз", "Ўзим, оилам, фарзандларим соғлиғи учун, аввало, ўзим жавобгарман", деган фикрларни халқимиз онгига чуқур сингдириш ва амалий ҳаёт мезонига айлантириш лозимлиги таъкидланди.

Бугун пандемияни жиловлашда ҳокимликлар, секторлар, соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари раҳбарлари ва ходимлари, маҳалла фаоллари, нуронийлар зиммасида жуда катта масъулият турибди. Чунки аҳолининг аксарияти, кексалар, болалар, хотин-қизлар уйда ўтиришга мажбур. Уларнинг биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, тегишли тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш айнан ана шу ташкилотларга ва фаолларимизга боғлиқ.

— Барчамиз ҳамжиҳатликда, чуқур масъулият билан тизимли ишласак, бу оғир синовларни албатта енгамиз. Яна бир бор такрорлайман, бугунги кундаги энг муҳим талаб — барчамиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганишимиз шарт, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2020 йил 3 июль № 12 Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори қуйидаги мазмундаги **30.1**-банд билан тўлдирилсин:

"30.1. Кредиторнинг кафил — "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси"га (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) нисбатан даъвосини кўришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида"ги Низом талабларига эътибор қаратилиши лозим.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан**

**Ахунов Олимжон** — Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бактериолог шифокори

**Алимов Анвар Валиевич** — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

**Баротова Винера Джураевна** — Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори

**Ливерко Ирина Владимировна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий- амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Мусабаев Эркин Исакович** — Республика вирусология илмий- текшириш институти директори

(Давоми 2-бетда) ▶

*Жамиятимиз мақсади*

## Гендер тенгликка эришиш стратегияси

*ушбу лойиҳа мамлакатимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган*

**Жорий йилда инсоният бошига тушган мисли кўрилмаган синовлар кўпгина муаммолар қатори дунёда оилавий зўравонлик масалаларини ҳам ўткирлаштириб, энг долзарб муаммолар қаторига чиқарди. Жумладан, биргина сўнгги уч ой мобайнида жаҳон миқёсида уй шароитидаги зўравонлик ҳолатлари, турли маълумотларга кўра, 40-50 фоиз кўпайган.**

Афсуски, бу борадаги "ўсиш"дан мамлакатимиз ҳам мустасно эмас. Сабаби жуда оддий: карантин шароитида уйда қолгани ҳолда, фойдали ишлар билан ўзини банд қилмаганлар кўпинча йиғилиб қолган зўриқиш кучини оила аъзолари, айниқса, турмуш ўртоқларига йўналтиради.

Бундай шароитда эса, хотин-қизлар энг заиф "бўғин"га айланадилар.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, мутасадди тузилмалар — Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан тегишли вазирликлар билан бирга тезкор чоралар кўрилмоқда.

(Давоми 5-бетда) ▶

**Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Миллий стратегияни босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.**

*Муносабат*

## Миллий стратегия – конституциявий ривожланишнинг янги босқичи



Мазкур ҳужжатларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришга тааллуқли чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топган. Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу соҳада қисқа муддатда амалга оширилган тарихий демократик ислоҳотлар юртимизни халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборини тамоман янги босқичга олиб чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, куни кеча БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан Ўзбекистонга 2019 йилги ташрифи якунлари бўйича маърузаси доирасида эълон қилинган ижобий фикрлар ва далиллар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос эътирофи бўлди.

Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ушбу шартномавий мажбуриятларни бажариш юзасидан инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик ҳужжатлари изчил такомиллаштирилмоқда. Буни кейинги бир йил давомида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармон ва қарорлари қабул қилингани ҳам тасдиқлайди.

Айниқса, сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашганда, узоқ муддатга мўлжалланган ушбу миллий стратегия Ўзбекистоннинг 30 йиллик мустақил демократик тараққиёти даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий қадам бўлди.

(Давоми 4-бетда) ▶

## «Бир суд – бир инстанция» тамойили

*тизимдаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб беради*

***Маълумки, демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш мамлакатимизда барпо этилаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг бош мақсадидир.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида кейинги 3 йилда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини янада ошириш, судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Шу билан бирга, судьяларнинг одил судлов борасидаги масъулиятини ошириш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, бунда одамларни рози қилиш ва уларда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун ҳали кўплаб вазифаларни амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Хабар*

## Бизнинг маълумот

***2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 17 251 нафар шахсга нисбатан 13 990 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2019 йилнинг шу даврига нисбатан шахслар бўйича — 8 фоизга, ишлар бўйича эса, 2 фоизга камайган.***



Жумладан, 363 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди, судланган шахслар сони 12 748 нафарни ташкил этиб, шундан 3 896 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 8 852 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 545 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 11 401 нафарини эркаклар, 1 347 нафарини аёллар, 4 954 нафарини ёшлар, 257 нафарини вояга етмаганлар ва 396 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этади.

Шунингдек, 1 455 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди, 10 331 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 3 234 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди, 2 505 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Қонун ижодкорлиги*

## Аҳоли бандлиги

*бу борада такомиллаштирилган қонунда қандай замонавий меъёрлар ўз ифодасини топган?*

**Бугунги кунда халқаро меҳнат муносабатлари тобора такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда ҳам меҳнат муносабатларининг янги шакллари вужудга келмоқда. Бу ўз навбатида, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунни тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.**



Ушбу соҳадаги тажриба ва амалиёт таҳлилига кўра, меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар бир нечта қонуности идоравий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Бу эса, бир томондан, амалдаги қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилиш кучини пасайтирса, иккинчи томондан, мазкур қонун эскирган ва самарасиз нормаларни ўз ичига олганидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, амалдаги қонун Ҳаракатлар стратегияси доирасида жорий этилаётган меҳнат бозорини тартибга солишнинг янги воқелигига мос эмас.

(Давоми 5-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Акилов Хабибулла Атауллаевич** — Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори

**Атабеков Нурмат Сатиниязович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик назорати давлат инспекцияси бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори

**Джаппарова Гулсим Танирбергеновна** — Конимех тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Навоий вилояти

**Имамкулов Абдукаюм Базарович** — Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционист шифокори, Сурхондарё вилояти

**Матназаров Исмоил Саидович** — Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти

**Менглиев Зулфитдин Давронович** — Ромитан тумани марказий шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи, Бухоро вилояти

**Мустафаев Хайрулла** — Республика вирусология илмий текшириш институти бош илмий ходими

**Новикова Наталья Борисовна** — Миробод тумани кўп тармоқли поликлиникаси инфекционисти, Тошкент шаҳри

**Рузиев Мурот Самадович** — Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори, Қашқадарё вилояти

**Рустамова Дилдора Абдумаликовна** — Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори

**Туйчиев Лазиз Надирович** — Тошкент тиббиёт академияси ректори

**Худайназаров Одилбай Абдинаимович** — Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлари шифохонаси шифокори

### I даражали "Саломатлик" ордени билан

**Азимов Абдувахид Вахабжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи

**Алмарданов Шухрат Қудратович** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармасининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи

**Асилова Мухайё Убаевна** — Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори

**Ахмеджанова Умида Низамовна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори

**Ғофурова Умида Рахимовна** — Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори

**Дадабаев Файзуллоҗон Абдукахарович** — Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-бактериологи

**Жуманиязов Давронбек Хусаинбоевич** — Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Қодирова Саида Ниёзовна** — Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими ҳамшираси

**Миркасимова Холида Хафизовна** — Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси вирусология бўлими бошлиғи

**Муминов Солижон Джалилович** — Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Парпиева Наргиза Нусратовна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

**Сайдалиев Сайдимурат Сайдиганиевич** — Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори

**Саидгазиева Хушнура Саидсалиевна** — Республика вирусология илмий-текшириш институти клиникасининг болалар ўткир гепатит касалликлари бўлими мудири

**Салихбаева Умида Саидовна** — "Дори-дармон" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Саттаров Хасан Илхамович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиотерапевтик реанимацияси бўлими мудири

**Таджибаев Гафурджан Ходжибаевич** — Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг ўлат, эпидемиология ва бактериология лабораторияси шифокори

**Хашимова Хилола Назруллаевна** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси инфекционист шифокори

**Хусаинов Бахтиёр Рахматович** — Китоб тумани юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-инфекционисти, Қашқадарё вилояти

**Шарипова Калбике Жумагалиевна** — Қорақалпоғистон Республикаси болалар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори

**Юлдашева Зарипа Мирмахмудовна** — Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси шифокор-лаборанти

### II даражали "Саломатлик" ордени билан

**Акмирзоева Сайёра Тоштемировна** — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси кичик тиббий ходими

**Алимов Сахибджан Гаппарович** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси шифокор-реаниматологи

**Алимова Бахриниса Ахматовна** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси кичик тиббий ходими

**Ахмедова Дилфуза Тажикуловна** — Сирдарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси мудири

**Ахундадаева Ёкутхон Ахметовна** — Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг жонлантириш бўлими ҳамшираси

**Ачилова Инобат Нутфиллоевна** — Когон тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи, Бухоро вилояти

**Боймурзаев Абдисодик Исломович** — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси инфекционист шифокори

**Бувабекова Дилфузахон Мадаминовна** — Андижон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси, Андижон вилояти

**Валназарова Зулфия Қуммижановна** — Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими катта ҳамшираси

**Гафурджанова Наиба Нигматовна** — Сирдарё вилояти ОИТСга қарши кураш маркази лабораториясининг катта лаборанти

**Джумашев Алишер Нишанбаевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 1-бўлими шифокори

**Дугаматова Динара Темир-Булатовна** — М.М.Федорович номидаги клиник санаториясининг диагностик лабораторияси мудири

**Ешмуратова Раъно Ендирбаевна** — У.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими ҳамшираси

**Жумаева Диловар Тураевна** — Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси лаборанти

**Заретдинова Гулайим Тилегеновна** — Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-оилавий поликлиникаси оториноларинголог шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зухурова Шаходат Жаліловна** — Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Тошкент вилояти

**Ибрагимходжаева Алия Шавкатовна** — Республика вирусология илмий текшириш институти клиникасининг биокимё диагностика лабораторияси шифокор-лаборанти

**Изимбетова Анаргул Ахметовна** — Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация-анестезиология бўлими шифокори

**Инагамова Гулмира Нуритдиновна** — Тошкент шаҳридаги 1-клиник шифохонасининг аллергология бўлими катта ҳамшираси

**Искандаров Абдухалил Музафарович** — Марҳамат туманидаги 31-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокори, Андижон вилояти

**Кудашева Людмила Владимировна** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги бош мутахассиси

**Курбанов Ботиржон Журабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

**Кучкарова Севар Абдукахаровна** — Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

**Қутлимуратов Баҳадир Бақитбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори

**Маматқулова Фотима Ташбаевна** — Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг вирусология лабораторияси шифокори

**Машарипов Илҳамбай Давлатбаевич** — Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Хоразм вилояти

**Мирзаева Файзилатхон Неъматовна** — Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими ҳамшираси

**Норбутаев Одилжон Мамадалиевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали санитария ҳаво йўллари ва фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдамни ташкил этиш бўлими мудири

**Нормаматова Феруза Каршибаевна** — Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг бактериолог шифокори

**Норова Малоҳат Мустафоевна** — Қизилтепа тумани санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг бактериология бўлими лаборанти, Навоий вилояти

**Пулатов Абдурашид Қахаржонович** — Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси ошпази, Тошкент вилояти

**Пулатова Гулнора Батировна** — 1-Марказий консультатив-диагностик поликлиникасининг махсус бўлими отоларинголог шифокори

**Рискиев Бахтиёр** — Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори

**Сагатова Адолат Паттоховна** — Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиника шифокори, Тошкент шаҳри

**Сарибаева Замира Журановна** — Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактик тадбирларни ташкил этиш бўлими — эпидемиолог врачи

**Семина Елена Александровна** — Сергели тумани тиббиёт бирлашмаси онколог-шифокори, Тошкент шаҳри

**Султонов Бозорбой Олтинович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг болалар реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

**Ўролов Ойбек Абсаломович** — Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси жонлантириш бўлими шифокори

**Хамракулов Кодиржон Акрамжонович** — Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Андижон вилояти

**Хамрақулов Уктам Холбутаевич** — Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими мудири

**Хашимова Саодат Сакиджоновна** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси ҳамшираси

**Ходжаева Азиза Шабатовна** — Тошкент шаҳри "De-factum laboratories" клиникаси шифокори

**Ходжиев Акмалжон Анвар ўғли** — 1-Марказий консультатив-диагностик поликлиникасининг тез тиббий ёрдам бўлими катта фельдшери

**Хомидов Фахриддин Мирзоумарович** — Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими реаниматор-анестезиологи

**Хусанов Анвар Мирзакбарович** — 1-Республика клиник шифохонаси бош шифокори

**Ҳамроева Зебинисо Асроровна** — Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси ҳамшираси

**Чориева Рамила Гайбуллаевна** — Миришкор тумани Жейнов шифохонаси умумий амалиёт шифокори, Қашқадарё вилояти

**Шаймимов Равшан Юлдашович** — Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

**Юнусова Узейнахон Яхяхоновна** — Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси

**Якубов Ахмаджон** — Фарғона вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори

### "Жасорат" медали билан

**Джуманиязова Зулфия Юлдашовна (марҳум)** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали неврология бўлими катта ҳамшираси

**Нафасов Шавкат Насирович (марҳум)** — Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Тухтаева Феруза Аскаровна (марҳум)** — Олмазор туманидаги 18-оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Тошкент шаҳри

**Уралов Алишер Ташкуватович (марҳум)** — Яккасарой туманидаги марказий поликлиникаси ультратовуш ташхиси шифокори, Тошкент шаҳри

**Хамрақулов Ботир Жабборович (марҳум)** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**Шамахмудов Аълохон Абзалович (марҳум)** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

### "Содиқ хизматлари учун" медали билан

**Абдуллаев Анвар Абдурахманович** — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси радиацион, кимёвий ва тиббий — биологик муҳофазани ташкил этиш бўлими бошлиғи

**Абдуллаев Одилжон Ахмадович** — Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси 7-бўлим шифокори

**Азадян Георгий Дживанширович** — Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Акрамов Одил Рустамович** — Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Бухоро вилояти

**Алламуродов Ғайрат** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери

**Ахмедов Рафаэль Мадрахимович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза қўшинлари бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Ахмедов Хасанбой Арабович** — Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Андижон вилояти

**Ахмедова Нилуфар Адилжоновна** — Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусолог шифокори

**Ашмирматов Исомитдин Юлдашович** — Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Жиззах вилояти

**Базарова Шахсанам Камилджановна** — Хоразм вилояти эндокринология диспансерининг биокимё лабораторияси лаборанти

**Бобоев Тўра Жўраевич** — Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси тиббий фельдшери

**Долимов Тохирбек Кенжабек ўғли** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси бўлим мудири

**Заитов Искандер Равильевич** — Республика вирусология илмий текшириш институти лабораторияси вирусолог шифокори

**Зокирова Холидахон Абдувахитовна** — Яшнобод тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази эпидемиологик мониторинг ва профилактика тадбирларини ташкил этиш бўлими лаборанти, Тошкент шаҳри

**Зийнешов Ринатдин Кутлимуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар бўлими инструктор-қутқарувчиси

**Ибрагимов Нематжон Комилжонович** — Тошкент тиббиёт академиясининг анестезиология ва реаниматология кафедраси мудири

**Ибрагимов Туракул Хакбердиевич** — Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалиги ҳайдовчиси

**Имамназарова Машкура Егамназаровна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология назорати маркази бактериология бўлинмаси бошлиғи

**Имамов Отабек Суннатович** — Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори

**Иргашева Зебинисо Дилмурадовна** — Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси

**Иргашов Акрам Акбарович** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ўпка сили диагностика бўлими мудири

**Исламов Алишер Садриддинович** — Тошкент шаҳри "Akfa medline" хусусий клиникаси етакчи мутахассиси

**Камалов Бекзод Нигматбекович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси 22-сонли жазони ижро этиш колонияси бўлим бошлиғи

**Карабоев Нурали Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза гуруҳининг махсус ишлов бериш секцияси командири

**Каримов Феруз Фархадович** — Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси директори, Тошкент вилояти

**Касимов Жалолиддин Садреддинович** — Наманган вилояти юқумли касалликлар шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

**Кузиев Бахтиёр Рахимович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси катта шифокори

**Кулжанова Малика Мирхосиловна** — Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг чақалоқлар патологияси бўлими катта ҳамшираси

**Курбанов Бегали Турдалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори

**Қаҳҳоров Ахмад Азимович** — Бухоро вилояти Бухоро тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси таянч пунктлари профилактика катта инспектори

**Мадалиев Салохиддин Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармасининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Маматхакимов Тажимурот Хайитович** — Шўрчи тумани юқумли касалликлар шифохонаси инфекционист шифокори, Сурхондарё вилояти

**Махмудова Насиба Ишмурадовна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бўлим бошлиғи

**Мирзалиев Миртемир Ниязович** — Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникаси электриги

**Насретдинов Умид** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори ўринбосари

**Палуаниязов Муратбай Кудайбергенович** — Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Махсус ва тиббий ёрдам автокорхонаси ҳайдовчиси

**Панкратова Наталья Александровна** — М.М.Федорович номидаги клиник санаториясининг диагностик лабораторияси катта ҳамшираси

**Пардаева Дилфуза Ачиловна** — Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси жонлантириш бўлими кичик тиббий ходими

**Раджапов Жасурбек Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза хизмати бошлиғи

**Раззаков Назиржон Муталибович** — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси радиацион, кимёвий ва тиббий — биологик муҳофазани ташкил этиш бўлими катта офицери

(Давоми 3-бетда) ▶



# «Бир суд – бир инстанция» тамойили

## тизимдаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб беради

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жорий йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида, жумладан, шу ҳақда ҳам атрофлича сўз борди.

Йиғилишда одил судловни таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар, аҳолининг судга бўлган ишончини ошириш, тергов органлари фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва қонунбузилиш ҳолатлари ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини оширишга жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда, шунингдек, Президентимиз томонидан Тошкент шаҳри судларини энг намунавий судларга айлантириш, уларнинг фаолиятини "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиб, кейинчалик ушбу тажрибани республиканинг барча ҳудудлари ва судларига татбиқ этиш таклиф этилди.

Видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари негизида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ҳозирда Тошкент шаҳрида 2020 йилнинг сентябрь ойидан 2021 йилнинг сентябрь ойига қадар вазифалар ижроси юзасидан "Йўл харитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳага кўра, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг самарали чоралари, одил судловни амалга оширишда адвокатура фаолиятини такомиллаштириш, судлар ва тергов органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини кучайтиришга доир 80 дан ортиқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Жумладан, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, судлар ва тергов органлари ходимларининг илмий салоҳияти, амалий кўникмаси ва маънавиятини юксалтиришга жиддий аҳамият берилади.

Ягона суд амалиёти шакллантирилиб, суд қарорларининг барқарорлигига эришиш, суд органларининг Халқ қабулхоналари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, судларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Судлар ва тэргов органларини коррупциядан холи тизимга айлантириш, судлар фаолиятининг таъминотини янада яхшилаш, суд, тергов ва суриштирув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу чора-тадбирларни тўлақонли рўёбга чиқариш учун доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳи зиммасига дастлабки тергов ва суд амалиётини мунтазам таҳлил қилиб бориш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифалари юкланди.

Ишчи гуруҳи, шунингдек, дастлабки тергов ва суд амалиётида қонунларни қўллашда юзага келаётган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида асослантирилган таклифлар тайёрлаб, Олий суд ва Бош прокуратурага тақдим этиб бориш билан изчил шуғулланади.

Бугунги кунда соҳа масъуллари олдига жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириш вазифаси қўйилган. Шундай экан, бунинг учун судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айланиши зарур.

Буларнинг барчаси эса, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир фуқарода адолат борлигига қатъий ишонч ҳосил бўлиши учун хизмат қилади.

**Шерзод ЮЛДАШЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали тумани судининг судьяси*

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунда судлар инобатга олиши керакки, агар Жамғарма билан кафиллик шартномаси кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган бўлса, Жамғармага талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундиришга қаратилган бошқа, шу жумладан, кредит қайтарилиши мажбуриятининг таъминотига қаратилган барча чораларини кўриши зарур ва фақат қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмаганда, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулкдан ундириш мумкин бўлмагандагина, кредитор Жамғармага талаб билдириш ҳуқуқига эга, агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

Қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мол-мулки мажбуриятни бажариш учун етарли эмаслиги, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулкдан ундириш имконияти мавжуд эмаслиги, давлат ижрочисининг ижро ҳужжатини "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан, ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади. Ушбу қоидаларга амал қилинмаганлиги Жамғармага нисбатан берилган даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади".

**2. "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"** 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори:

**2-банди** қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар деганда, жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек, бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек, тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тушунилади";

**3-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, худди шунингдек, бундай пул маблағлари ёки мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк, шу жумладан, виртуал активлар (криптовалюта ва ҳ.к.) бўлиши мумкин".

**3. "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарори:

**16-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"16. Шахснинг валютани қонунга хилоф равишда божхона чегарасида ўтказишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикасига эркин олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий ва миллий валюта миқдори қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 25 февралдаги 86-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари билан белгиланган.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасига бир вақтнинг ўзида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд валютанинг фақат бир қисми декларация қилинган бўлса, шахснинг ҳаракатлари нақд валютанинг декларация қилинмаган қисми миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади";

**17-бандининг биринчи хатбошиси** "гиёҳвандлик воситалари" деган сўзлардан кейин "уларнинг аналоглари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**4. "Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"** 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли қарори:

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Қонунга мувофиқ, вояга етмаган, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент тарафларнинг келишувига кўра ихтиёрий тартибда, шунингдек, суд тартибида ундирилади.

Тушунтирилсинки, алимент ота-онанинг бирининг аризаси ёки даъвоси билан, агар бошқа ота (она) вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ҳолатларда суд тартибида (суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарори билан) ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда, шунингдек, алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилмаган ҳолларда, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан алимент ундириш ҳақидаги даъво билан вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола мурожаат қилишга ҳақли. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) ва бола алоҳида яшаган ҳолларда, вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола ота ёки онасига ёхуд ота-онасининг ҳар иккovига нисбатан даъво тақдим қилиши ҳуқуқига эга.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент васийлик ва ҳомийлик органлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган етим болалар ва болалар учун муассасалар, шунингдек, прокурор даъвосига кўра, суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент ота-онанинг бирининг даъвоси билан суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади";

**6-банди:**

**биринчи хатбошидаги** "Солиқ кодексининг 329-моддаси 3-бандига мувофиқ" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи" тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси 2-банди, шунингдек, ФПК 174-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошидаги** "чиқаришда" деган сўзи "беришда" деган сўзи, "Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб" деган сўзлар "қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-банди** чиқариб ташлансин;

**14-бандининг биринчи, иккинчи** ва **учинчи хатбошиларидаги** "қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига" деган сўзлар "қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5. "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори **10-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

"Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади".

**6. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарори:

**номи** "Гиёҳвандлик воситалари" деган сўзлардан кейин "уларнинг аналоглари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**матни** "гиёҳвандлик воситалари" деган сўзлардан кейин тегишли келишикдаги "уларнинг аналоглари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4. Қонунга кўра, маъмурий ва жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганда келиб чиқади:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат).

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун айбдорлар барча ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддаси). Агар мазкур ҳаракатлар ўтказиш мақсадини кўзлаб содир этилса, қилмиш ЖК 273-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилинади";

**31-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бундай турдаги экспертиза олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ:

олинган восита ёки модда гиёҳвандлик, унинг аналоги, психотроп ҳисобланадими, агар ҳисобланса, унинг тури, актив моддасининг миқдори ва соф оғирлиги қанча;

олинган объектда гиёҳвандлик воситаси, унинг аналоги, психотроп моддаси қолдиқлари (микрозарралари) ёки излари борми;

муайян ер майдонидан олинган ўсимлик қайси турга мансуб ва у таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ҳисобланадими;

олинган воситалар ёки моддалар бир хил ҳисобланадими, улар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, кўкариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами".

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби в.б., Олий суд судьяси** — **Р. ИСМАЙЛОВ**

*Хабар*

# Бизнинг маълумот

◀ (Бошланиши 1-бетда)

115 нафар ёшларга, 23 нафар аёл ва 386 нафар шахсга кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айрим жиноят турлари, хусусан, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилик, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, одам савдоси, мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби жиноятлар учун судланганлик кўрсаткичлари камайди.

Ҳисобот даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 3 535 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 118,5 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 1 319 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

3 646 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 26,1 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 808 нафар шахсга нисбатан 661 та иш кўриб чиқилди. 519 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилинди ва 197 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

***Олий суд матбуот хизмати***

*Муносабат*

# Миллий стратегия – конституциявий

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, ушбу дастурий ҳужжат Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳамда Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга оширишга жамиятимизда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

Миллий стратегияни инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалар билан Конституция ва қонунларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда устуворлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида ҳам баҳоласак бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, халқаро мутахассислар холисона қайд этганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида бошқа бир шаклдаги ёки турдаги ҳужжат эмас, балки айнан "Миллий стратегия" қабул қилган саноқли давлатлар қаторидан жой олди. Шу омилнинг ўзиёқ мамлакатимизнинг халқаро майдондаги иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индексларда-ги мавқеини мустаҳкамлади.

Дарҳақиқат, гап Миллий стратегияда белгиланган устувор вазифалар ҳақида борар экан, бу борада "Йўл харитаси"да мутасадди идоралар билан ҳамкорликда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида қарийб 20 та янги қонунлар лойиҳаларини, халқаро шартномалар мажбуриятларидан келиб чиқиб, амалдаги кодекслар ва қонунларнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилганини қайд этиш лозим.

Қолаверса, унда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим тизимини қайта кўриб чиқиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд идоралари ходимларининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий саводхонлигини, малакасини ошириш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, авваломбор, биз, ҳуқуқшунослар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳамда "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларни, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирмабир чуқур ўзлаштириб, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этишда, бу борада амалий таклифлар беришда фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади.

Шу маънода БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини амалга ошириш мақсадида, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг "Йўл харитаси"да Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорини ишлаб чиқиш кўзда тутилганлиги эътиборга молик бўлди.

Чунки бундай муҳим ҳужжат хорижий давлатлар судлари тажрибаси ва одил судловга оид халқаро амалиётни миллий одил судлов амалиётига татбиқ этиш нуқтаи-назаридан алоҳида аҳамият касб этиши тайин.

Ушбу йўналишда муайян илмий тадқиқотлар олиб борган мутахассис сифатида ушбу Пленум қарорининг қабул қилиниши судлар фаолиятида янги бир йўналишни бошлаб берадиган тарихий ва далил қадам бўлади, десак, муболаға бўлмайди.

Гап халқаро ҳуқуқнинг судлар фаолияти билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари хусусида борганда, бугунги кунда судьялар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш масаласи бир қатор халқаро шартномаларда бевосита ёки билвосита қайд этилганига эътибор қаратиш лозим.

Масалан, 1997 йил 30 августдаги қонун билан Ўзбекистон Республикаси қўшилган Халқаро меҳнат ташкилотининг "Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-Конвенцияси 26-моддасида ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси уни ўз суверенитети остида бўлган ҳудудда ёки юрисдикциясида қўллашга мажбур эканлиги белгиланган.

*Жамиятимиз мақсади*

# Гендер тенгликка эришиш стратегияси

*ушбу лойиҳа мамлакатимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Зўравонликдан жабр чеккан аёллар учун ишонч телефони, махсус телеграм канали ташкил этилди. Улар орқали ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ёрдам берилмоқда, "ҳимоя ордерлари" расмийлаштирилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари меҳнат соҳасида ҳам ҳимоя қилинмоқда. Маълумки, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, давлат органларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгашлари ташкил этилиши белгиланган.

Шу асосда қўмита ва комиссия биргаликда тегишли низом ишлаб чиқиб, барча меҳнат жамоаларига тавсия қилинди. Бугунги кунда меҳнат жамоаларида Маслаҳат кенгашлари ташкил этилмоқда.

Ушбу кенгашни меҳнат жамоаси раҳбарининг ижтимоий масалаларга масъул ўринбосари бошқаради. Кенгашнинг асосий вазифаси барча бўлимлар, ҳудудий тузилмаларда юқоридан пастга қадар аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаб беришдан иборат.

Шунингдек, кенгаш ойлик иш ҳақларини белгилаш, лавозимларга тавсия қилишда аёллар ва эркакларга тенг қараш, ҳар бир корхона, ташкилотда тайёрланадиган резерв кадрлар базасига хотин-қизларнинг ҳам номзодларини киритиб, уларни хизмат вазифасида раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш каби масалаларни тизимли таҳлил этиб боради ҳамда хулосалар беради. Айни чоғда жойларда хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитларни ҳам ўрганади.

Гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳам негизидир.

Мутахассисларнинг фикрича, фақат эркаклардан иборат жамоага нисбатан 50/50 фоиз эркак ва аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқса, агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча баробар юқори натижа кўрсатар экан.

Қолаверса, гендер тенглик — бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор ҳисобланади. Демак, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, юртимизга тобора кўпроқ инвестициялар жалб қилиш учун ҳам шу индикаторга етарлича аҳамият беришимиз керак.

Бу борада доимий, кўламдор ва салмоқли натижаларга эришиш учун эса, умумий режа кўринишидаги ҳужжат, оддий тил билан айтганда, дастуриламал керак. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда айнан шундай ҳужжат — 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу тарихий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Стратегия лойиҳасида гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари қаторида қонунийлик, демократия, очиқлик ва ошкоралик принциплари белгиланган. Ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашга қаратилган мазкур ҳужжат тез орада жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниб, кенг муҳокамалар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида, шу жумладан, вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1500 нафардан ортиқ хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида, 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Ҳозирги вақтда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик ишига тайинланган бўлса, яна 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимини эгаллади.

Турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Юртимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча кафолатлар берилди.

Йирик компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидаги хотин-қизлар улушида гендер тенглик деярли тўлиқ таъминланган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, мамлакатимизда "Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари" қабул қилинган. Ушбу соҳадаги 5-мақсад — гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бу ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъул.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтиришни таъминлаш лозим.

Зеро, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга етарли даражада жалб этилмаяпти. Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолаш, лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонлари мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятда мавжуд айрим салбий қарашлар эса, уларнинг сиёсий жараёнларда ўз ғояларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда. Аксарият ҳолларда хотин-қизларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган ва ҳақ тўланмайдиган уй хўжалиги ишлари юклатилмоқда.

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари ва унинг хотин-қизлар ва эркакларга таъсири бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Мазкур соҳада аҳоли учун яратилган имкониятлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари лозим даражада ташкил қилинмаяпти.

Бундан ташқари медиа маҳсулотларининг гендер экспертизаси масаласига эътибор қаратмоғимиз, оммавий ахборот воситаларида оила ва жамиятдаги хотин-қизлар ва эркакларнинг ролини кўпроқ акс эттиришимиз, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида эса, хотин-қизларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси етарли даражада ёритилишига эришишимиз керак.

Шу жиҳатдан, Гендер стратегиясининг амалга оширилиши хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳалардаги тенгсизликни бартараф этиш имконини беради. Стратегияга кўра, узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, гендер тенгликка эришиш бир қатор устувор йўналишларда амалга оширилади.

Давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, стратегияда гендер тенгликни таъминлаш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш ҳам кўзда тутилган.

Гендер стратегиясини амалга оширишдан салмоқли натижаларга эришиш кутилмоқда. Хусусан, юқори ва қуйи тизимдаги давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиёти кенгаяди.

Гендер номутаносиблик мавжуд бўлган давлат органларида вақтинчалик квоталаш тизимини жорий қилиш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги мутаносиблик таъминланади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган, айниқса, қишлоқ жойларидаги оилалар хотин-қизларини иш билан таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилишга эришилади.

Бу — кутилаётган натижаларнинг бир қисми, холос.

Стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши барча ҳамкорлар ва турли даражадаги масъулларнинг фаоллигини талаб қилади. Стратегия мақсадларига эришиш, аввало, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини жадаллаштириш, демакки, халқ фаровонлигини юксалтиришга, жамиятдаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга, кундалик ҳаётимизнинг янада яхши томонга ўзгаришига хизмат қилади.

Бу ишларни амалга ошириш учун барчамиз ўзимизда дахлдорлик ҳиссини оширишимиз, давлатимизга, жамиятимизга, оиламизга, аввало, ўзимизга нисбатан муносабатимизни ўзгартиришимиз, масъулиятни ҳис қилишга ўрганишимиз талаб этилади. Шу билан бирга, ўзаро аҳилликда, янада жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур бўлади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
*Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси*

*Қонун ижодкорлиги*

# Аҳоли бандлиги

*бу борада такомиллаштирилган қонунда қандай замонавий меъёрлар ўз ифодасини топган?*



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, унда ўзини-ўзи банд қилиш, иш стажини ҳисобга олишда ахборот тизимларидан фойдаланиш каби воситалар ўз ифодасини топмаган.

Шу билан бирга, амалдаги қонунда аниқ терминологик таърифлар йўқ. Оқибатда бандлик ва меҳнат соҳасидаги алоҳида норма ва қоидалар турли хил талқин қилинмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, сўнгги 20 йил ичида меҳнат бозорида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар кўпайган бўлса, иш берувчилар сони 4,5 баробар ортди.

Ушбу ҳолатлар ҳам меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва янги меъёрлар билан тўлдиришни талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланиб, Сенатга юборилган янги таҳрирдаги **"Аҳоли бандлиги тўғрисида"**ги қонун халқаро меҳнат муносабатлари ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим. Унда меҳнат бозорини ривожлантириш, меҳнат муносабатларида замонавий меъёрларни қўллаш, аҳолининг ўзини ўзини банд қилиши борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар инобатга олинган.

Янги таҳрирдаги матнда қонуннинг номи ҳам ўзгартирилиб, бандлик тушунчасига алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, ушбу қонун 19 миллион меҳнат ресурслари, 13,5 миллион иш билан бандлар, 2,6 миллион меҳнат мигрантлари, 1,4 миллионга яқин ишсизлар ва 600 мингга яқин иш берувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида бандликни таъминлаш муносабатларини замонавий ёндашув асосида тартибга солади.

Қонун ишга жойлаштириш жараёнларида илғор ахборот технологияларини жорий этиш, ишга жойлаштириш борасида хизматлар кўрсатишда замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини шакллантиришга доир нормалар билан тўлдирилган.

Ягона миллий меҳнат тизимини жорий этиш ҳамда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, хориждаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Қонун тўғридан-тўғри амал қилувчи хусусиятга эга. У 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича қабул қилинган 41 та меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаган.

Ҳозирги кунда норасмий амалга оширилаётган аутстаффинг фаолияти ва хизмат турини легаллаштириш мақсадида, қонунга махсус модда киритилган. Маълумки, бугунги кунда Европа давлатлари ва АҚШ, Япония, Россия каби мамлакатлар қонунчилигида мавжуд аутстаффинг фаолиятидан Ўзбекистонда ҳам норасмий бандлик тури сифатида фойдаланилмоқда.

Шу маънода ушбу фаолият ва хизмат турини қонунийлаштириш, аввало, расмий бандлик даражасини ошириш имконини беради. Шунингдек, у ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишсизликни камайтириш, ушбу соҳада банд бўлганларнинг пенсия бўйича келажагини кафолатлаш чораси сифатида хизмат қилади.

Банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, фаол иш қидираётган ишсизларга нафақа тайинлаш ва тўлаш шартлари батафсил, янада муҳими, ҳаволаки нормаларсиз баён этилган.

Қонунда фуқароларнинг чет элларда ишлаш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"-ги қонуннинг қабул қилиниши меҳнат бозорини ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш, ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, аҳолини ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
*Олий Мажлис Сенати аъзоси*

# Самарқандда жорий йил 160 нафар шахс суд залининг ўзида қамоқдан озод қилинди

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг бугун ўтказилган сессиясида вилоятдаги жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларнинг 2020 йил биринчи ярим йилдаги фаолияти бўйича судлар раислари ахборот берди.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси О.Ҳайитовнинг қайд этишича, йил бошидан буён вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан 1870 нафар шахсга нисбатан 1518 та жиноят иши кўриб тамомланган.

Тамомланган ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 та (0,8 фоиз)га, шахслар сони эса, 69 нафар (4,5 фоиз)га кўпайган.

Таҳлил қилинаётган даврда тамомланган ишлар бўйича 1365 нафар шахсга нисбатан 1063 та иш бўйича айблаш ҳақида ҳукмлар чиқарилган. Судланган шахсларнинг 445 нафарини аёллар, 82 нафарини вояга етмаганлар, 145 нафарини эса, 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этган.

1365 нафар судланган шахсларнинг 320 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 503 нафарига озодликни чеклаш, 388 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган. 160 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди.

Шунингдек, йилнинг биринчи ярмида вилоят судларининг барча инстанцияларида 8 та жиноят иши бўйича 8 нафар шахс оқланди.

392 та жиноят иши тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасига асосан тугатилиб, 413 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Кўриб чиқилган жиноят ишлари ўтган йилнинг шу даври билан қиёсланганда, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жинояти 32 тага кўпайиб, 58 тани, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти 64 тага ошиб, 66 тани ташкил этган.

Жиноят ишларини судда кўришда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда маҳалла, Ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши вакилларининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминланиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида 101 нафар ва Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 19 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
*ЎзА мухбири*

# ...ривожланишнинг янги босқичи

Шу билан бирга, БМТнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги асосий шартномалари, шунингдек, Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар юзасидан ҳуқуқий алоқалар ҳамда ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Минск Конвенцияси ҳамда Хорижий арбитраж ҳал қилув қарорини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси ушбу йўналишда судлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Яна бир жиҳат: миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқ билан муносабатидаги ўзига хос хусусияти шундаки, халқаро шартномалар нормалари миллий қонунчилик орқали ижро этилади.

Яъни бирон-бир халқаро шартномага қўшилдикми, шу халқаро ҳужжат талабларини бажариш мақсадида алоҳида янги қонун қабул қилиниши ё тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мисол учун БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишимиз билан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ҳамда Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилишимиз билан "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ёки "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилишимизнинг асоси ва сабаби ҳам юқоридаги халқаро шартномаларга қўшилганимиз экан, унда нима учун одам савдосига оид жиноят ишларини ёхуд бола ҳуқуқлари билан боғлиқ низоларни кўришда суд қарорларида мазкур конвенциялар нормаларини кўрсатиб ўтмаслигимиз керак?

Ваҳоланки, мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган ёки тан олинган инсон ҳуқуқларига оид мазкур халқаро ҳужжатлар Ўзбекистоннинг ҳам халқаро шартномалари ҳисобланади.

Шундай экан, қабул қилиниши кутилаётган Пленум қарорининг аҳамияти ва зарурияти нимада, деган савол туғилиши табиий. Фикримизча, бу муҳим қадам судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини шакллантириш натижалари билан бевосита боғлиқдир.

Бунинг қуйидаги муҳим омил ва сабаблари бор:

**биринчидан,** суд Конституция, қонунлар ва халқаро шартномалар нормаларини қўллаш орқали одил судлов йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи асосий ва ягона органдир;

**иккинчидан,** суд қарорида у ёки бу халқаро ҳуқуқ нормасининг кўрсатилиши халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга. Судлар фаолиятида бундай амалиётнинг шаклланиши Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги обрў-эътиборини, халқаро имижини янада мустаҳкамлайди;

**учинчидан,** судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилиши судьянинг масалага халқаро ҳуқуқ нуқтаи назардан ҳам ёндашганини кўрсатиб беради;

**тўртинчидан,** Пленум қарори қабул қилиниши судларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни қўллаш амалиётини янада кенгайтиради, шу билан бирга, ягона суд амалиёти шаклланишига ҳам туртки бўлади.

Энг муҳими, суд қарори жамиятда адолат ва қонунийликни таъминлаш билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш вазифасини бажаради. Суд қарорини ёзган судья томонидан халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари ҳамда халқаро шартномаларнинг қўлланилиши фуқароларнинг халқаро ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
*Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси, юридик фанлар номзоди*

*Қонун кўмаги*

# Мулк заволи

*жавобгар зиммасидадир*

***Суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан олиб берилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир.***

***Айни шу мақсадда кейинги йилларда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкам, одил судлов сифатини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.***

Айтиш керакки, бугунги кунда фуқароларнинг мулкий ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарар ўрнини жавобгар ҳисобидан қоплаш сингари низолар суд тартибида адолатли ечим топаётгани одамларнинг судларга нисбатан ишончи ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, Каттақўрғон шаҳар "Деҳқон бозори" ҳудудида фуқаро Й.Бобоевнинг иккита савдо дўкони мавжуд бўлган. Унга тегишли биринчи савдо дўкони 2006 йилнинг 31 мартида олди-сотди шартнома асосида 112-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Иккинчи савдо дўкони 908-сонли ҳадя шартномасига асосан, 2006 йилнинг 14 апрелида 114-сон билан давлат рўйхатига олинган. Ҳар иккала савдо дўконининг умумий ер майдони 36,28 квадрат метрни ташкил қилган.

Й.Бобоев дўконларда тадбиркорлик фаолиятини юритиб келган. Аммо кунлардан бир кун Й.Бобоевга тегишли дўконлар шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳеч бир огоҳлантиришсиз, розилик сўралмасдан, асоссиз равишда бузиб ташланади.

**(Давоми 6-бетда)** ▶

# Унутилмас Париж хотиралари

**Жонажон юртимиз, бағрикенг, саховатли халқимиз, дунё тан олган муттафакир, олиму фузалоларимиз ҳақида илиқ фикрларни эшитиш шу юртнинг ҳар бир фарзандининг кўнглини фахру ифтихорга тўлдиради, шундай буюк аждодларнинг вориси эканидан киши ғурурланиб кетади.**



Буларни бежизга айтаётганим йўқ. Яқин хорижда бўлган пайтимизда айни шундай ҳаяжонли таассуротларни ўз бошимиздан кечирдик.

Дарвоқе, дўстим Низомжон билан нафақага чиққач, фарзандларимиз бизга тухфа сифатида хорижий давлатларга сайёҳат учун имконият яратиб беришди. Биз Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиш имкониятига эга бўлдик.

Айтиб ўтишим керакки, дўстим билан узоқ йиллар суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритганмиз. Иш кўп, масъулият ҳам юқорилиги сабабли чет давлатларга чиқиш имконияти бўлмаган.

Қисқаси, Франция пойтахти Париж шаҳрини томоша қилиб юрганимизда дўстим Низомжон Рустамов билан кутилмаганда, ғаройиб воқеага дуч келдик.

Маълумки, Париж дунёнинг энг гўзал ва мафтункор шаҳарларидан бири. Шу боис, бу маскандан сайёҳларнинг қадами узилмайди. Ҳар йили Парижга дунёнинг турли давлатларидан 70 миллиондан ортиқ сайёҳлар келиб-кетиши ҳам бу фикримни тасдиқлайди.

Хуллас, Париж шаҳрини айланиб юрганимизда шаҳар марказидаги маҳобатли савдо мажмуаси олдида дунёнинг турли давлатларидан келган 300 нафарга яқин сайёҳлар тўпланиб турганига кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, ушбу маҳобатли савдо мажмуаси яқинда қуриб битказилган ва айни дамда очилиш маросими бўлаётган экан. Сайёҳлар шуни кутиб туришган экан. Бизнинг кўнглимизда ҳам ушбу савдо мажмуасига кириш иштиёқи туғилди ва бир четда кутиб турдик.

Бир чоғ кутилмаганда, савдо мажмуасидан ниҳоятда басавлат, хушрўй ва файзли бир киши чиқиб, тўппа-тўғри бизнинг олдимизга келди. Кейинчалик билсак, у ушбу савдо мажмуасининг раҳбари экан. У олдимизга келиб, ўзига хос такаллуф ила қайси юртдан келганимизни сўради. Биз, табиийки, Ўзбекистондан келганимизни айтдик. Шунда ҳалиги кишининг юзида бирдан илиқ табассум пайдо бўлди. Шундан сўнг у таржимонни таклиф қилди-да, ўзининг фикрларини бизга таржима қилиб беришни сўради.



Буни қарангки, у киши халқимиз тарихи, улуғ аждодларимиз ҳаёти билан жуда чуқур таниш экан. Шу боис, халқимизга чуқур ҳурмат билан қарар экан. У айниқса буюк саркарда Амир Темур, ўзининг беқиёс ақл-заковати билан дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Улуғбек, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Носир Форобий, Замахшарий, Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Ва ана шундай буюк халқ авлодлари вакиллари билан учрашиб турганидан ниҳоятдан бахтиёр эканини алоҳида таъкидлади.

Эҳтимол, кимгадир бу воқеа унчалик муҳим бўлиб туюлмас. Аммо мусофир юртда — хорижда ўз юртинг, улуғ аждодларинг тўғрисида шундай юксак ҳурмат-эҳтиромни эшитиш, ўйлайманки, ҳар қандай кишининг кўнглида фахру ифтихор туйғусини уйғотмай қолмайди.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси, кейин рўй берди. Аниқроқ айтсам, савдо мажмуаси раҳбари уч юз чоғли сайёҳларга юзланди-да, бизни таништирди: қайси юртдан келганимиз ва кимларнинг авлоди эканимизни ҳаяжонланиб сўйлади. Сайёҳлар унинг сўзларини эшитиб туриб, қарсак чалганча бизни олқишлашди.

Шундан сўнг савдо мажмуаси раҳбари ушбу янги очилаётган савдо марказига биринчи бизнинг қадамимиз тегишини ўзига шараф деб билишини таъкидлади.

Сўнг у француз тилида: — Марҳамат, — дея савдо мажмуасига таклиф қилди.

Савдо мажмуасининг маҳобатли эшиклари очилди ва биз, иккимиз ёқимли мусиқа садолари остида савдо мажмуасининг ичига қадам босдик. Чўғдек товланиб турган гилам тўшалган йўлакнинг икки тарафида ўттиздан ортиқ сотувчи аёллар бизни қўлини кўксига қўйиб, ҳурмат билан қарши олди. Ташқарида эса, сайёҳлар ҳамон қарсак чалиб, олқишлаб турарди.

Бу воқеани эсласам, ҳалиҳануз юрагим ҳаяжону ифтихорга тўлади, шундай буюк юртда яшаётганим, дунёга маърифат ва эзгулик улашган авлодларнинг вориси эканимдан ғурурланиб кетаман.

Бу унутилмас воқеани баён қилишдан мақсадим шуки, улуғ аждодларимиз қадим-қадимдан дунёга илму маърифат ва эзгулик улашиб келган.

Биз ҳам, айниқса, ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлод ота-боболаримиз эришган азим салоҳиятга муносиб бўлишга, уларнинг улуғ ишларини давом эттиришга бурчли эканимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Каримжон САИДОВ,**
*суд тизими фахрийси*

---

*Жиноят ва жазо*

***Бугун ҳаётимизда ўта хавфли иллат саналмиш коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Албатта, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.***




### жиноятчини пора беришга ундади

Аммо ишонч билдирган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимининг ўзи коррупцияга оид жиноятга қўл урса-чи?

Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта тезкор вакили Дилмурод Абдуллажонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам жиноятга муросасиз бўлиш ўрнига вазиятдан "унумли" фойдаланиб қолишга уринди. Яъни шахсий манфаатини ўйлаб, жиноятчини пора беришга ундади.

Гап шундаки, 2020 йил 19 апрель куни Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан "Орият" тадбири ўтказилади. Мазкур тадбирда шаҳарнинг Янги аср кўчасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи, муқаддам одам савдоси жинояти учун судланган ва жазо муддатини ўтаётган Шоира Файзиматова ўз уйида қўшмачилик қилаётгани аниқланади. Шу боис, айни ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, терговга юборилади. Натижада Ш.Файзиматовага нисбатан Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

"Орият" тадбирида бошқарма катта тезкор вакили Дилмурод Абдуллажонов ҳам иштирок этади. Бинобарин, Ш.Файзиматованинг танишларидан бири Гулёра Жалилова унга қўнғироқ қилиб, дугонасига ёрдам беришини илтимос қилади. Натижада Д.Абдуллажонов воқеанинг эртасига — 2020 йил 20 апрель куни Ш.Файзиматова билан учрашади.

— Аввал одам савдоси жинояти билан судланган экансиз. Қўшмачилик ҳам шунга ўхшаш ҳолат. Шунинг учун тергов жараёнида сизни қамаб қўймаслигини терговчи билан гаплашиб беришим мумкин. Фақат бунинг эвазига унга икки минг доллар бериш керак, — дейди у. Кейин яна қўшиб қўяди: — Дугонангиз илтимос қилгани учун ёрдам бермоқчиман. Қолаверса, ўзим ҳам сизни ёқтириб қолдим.

Буни қарангки, Дилмурод шундай деб кейинги учрашувда қўшмачи жувонга кўнгилхўшлик қилишни таклиф этади. Ноилож қолган Ш.Файзиматова эса, унинг таклифини қабул қилади.

Шундан сўнг тезкор ходим ҳафтаўн кун ичида Шоиранинг уйига бир неча марта боради. Лекин ҳар галги учрашувда пулни қистайверади. Қолаверса, ўзининг қилмишини хаспўшлаш учун "антиқа" баҳона ўйлаб топади.

— Тергов муддати уч ой, суд жараёни ҳам икки ойча давом этади. Унгача ҳомиладор бўлиб олсангиз, судда сизга анча енгиллик берилади, — дейди у.

Аммо Ш.Файзиматова ўзининг чорасиз вазиятидан фойдаланиб қолмоқчи бўлаётган қонун ҳимоячисининг сўнгги кунлардаги ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланади. Бинобарин, унга қонуний чора кўришни сўраб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига мурожаат қилади. Оқибатда 2020 йил 3 май куни Д.Абдуллажоновга нисбатан тезкор тадбир ўтказилади.

— Қаердасиз, учрашамизми? Номини айтмай қўяверай, ҳалиги нарса тайёр, — дейди Шоира телефон орқали пулга ишора қилиб.

Шундан сўнг орадан кўп ўтмай Дилмурод аёлнинг уйи олдига етиб келади. Сўнг хизмат машинаси ичида келишилган пулнинг 1500 АҚШ долларини олаётган чоғда ушланади. Негаки, Д.Абдуллажонов қолган 500 АҚШ долларини гаров пули тариқасида тўлаш учун Ш.Файзиматованинг ўзига қайтариб беради. Пировардида унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а"-банди, 28, 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди эса, айбдорга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур жиноят иши кишини жиддий фикр-мулоҳаза юритишга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларини эса, ундан тегишли хулоса чиқаришга ундайди. Айтайлик, оддий фуқаро жиноятга қўл урса, қонунни билмагани, қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушунмаганини асосий важ сифатида келтиради. Лекин ўзи ички ишлар органининг катта тезкор вакили бўлган шахснинг нафс домига тушиб, қонунни бузганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Президентимиз шу йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида коррупцияга қарши курашиш масаласига янада жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу борада яна бир дадил қадам бўлди. Шундай экан, биз, судьялар ва суд тизими ходимлари коррупцияга қарши курашиш жараёнида бошқаларга ўрнак бўлишимиз шарт. Айниқса, жиноят ишлари бўйича судлар судьялари коррупцияга оид ишларни кўриш билангина чекланиб қолмай, жойларда ўтказилаётган сайёр суд мажлисларида ҳамюртларимизга бу иллатнинг аянчли оқибатларини, хусусан, пора бериш, пора беришга далолат қилиш ва бундай жараёнда воситачилик қилиш ҳам жиноят эканлигини кенгроқ тушунтиришлари керак.

**Фаррух АБДУРАИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Фарғона тумани судининг раиси*

---

*Қонун кўмаги*

# Мулк заволи

## жавобгар зиммасидадир

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Табиийки, Й.Бобоев ҳуқуқи бузилганидан қаттиқ ранжийди ва бир қатор ташкилотларга мурожаат қилади. Шундан сўнг Й.Бобоевга Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2018 йил 8 декабрдаги 2333-Қ сонли қарори билан шаҳарнинг Қорадарё кўчасидаги ҳудуддан савдо дўкони қуриш учун 69,78 квадрат метр ер майдони ажратиб берилади. Бу ер майдони 2019 йилнинг 12 февралида 128-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бир қарашда, муаммо қонуний ҳал бўлган, адолат қарор топгандек кўринади. Хўш, унда Й.Бобоев нимадан норози?

Ҳамма гап шундаки, Й.Бобоевнинг дўконларини бузиш юзасидан ҳокимлик томонидан қарор чиқарилмаган. Бунинг устига бузилган дўконлар учун компенсация пули тўлаб берилмаган. Й.Бобоевнинг норизолигининг сабаби шунда.

Қисқаси, Й.Бобоев дўконлари ҳеч бир асоссиз бузиб ташлангач, баҳоловчи "CICA PRICE" масъулияти чекланган жамиятига мурожаат қилади. Масъулияти чекланган жамияти томонидан кадастр ҳужжатларига асосан унинг "Деҳқон бозори"даги биринчи савдо дўкони 18 миллион 324 минг 428 сўмга, иккинчи савдо дўкони 17 миллион 408 минг 207 сўмга, жами 35 миллион 732 минг 635 сўмга баҳоланган.

Даъвогар Каттақўрғон шаҳар адлия бўлими Йўлдош Бобоевнинг манфаатини кўзлаб, шаҳар ҳокимлигига нисбатан 2019 йилнинг 8 ноябрда даъво аризаси билан судга мурожаат қилди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қандай низо судда мазмунан кўрилиш чоғида томонларнинг беғараз, холис, ҳаққоний тортишуви ва судга асосли, ишончга сазовор далиллар тақдим этиши билан ҳақиқат юзага чиқади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили В.Аҳмедов (исм-шарифлар ўзгартирилди) Й.Бобоев судга даъво муддати ўтиб кетгандан сўнг мурожаат қилганини таъкидлаб, даъво муддатини қўллаш ва даъвогарнинг даъво аризасини рад қилишни сўради.

Шаҳар бош архитектори П.Нарзуллаев эса, суддаги тушунтиришида, шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимида Й.Бобоевга тегишли савдо дўконларини бузиш билан боғлиқ ҳужжатлар йўқ, "Деҳқон бозори" ҳудудидаги дўконларни бузиш юзасидан ҳокимлик томонидан бирон-бир қарор чиқарилмаганини айтди.

Судда ишни кўриш жараёнида дўконларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳужжатлар "Деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти маъмуриятида ҳам мавжуд эмаслиги аён бўлди. Масъулияти чекланган жамиятининг ишончли вакили С.Файзиев суд мажлисида бу ҳақда тушунтириш берди.

Шу ўринда шаҳар ҳокимлигининг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги илтимосномасига тўхталадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 263-моддасига эътибор қаратиш жоиз. Чунки ушбу моддада даъво муддати жорий этилмайдиган ҳолатлар аниқ-тиниқ баён қилинган.

Хусусан, мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига нисбатан даъво муддати жорий этилмаслиги Фуқаролик кодексининг 231-моддасида белгилаб қўйилган.

Суд қонуннинг ушбу талабларига кўра, шаҳар ҳокимлигининг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги илтимосномасини инобатга олмасликни лозим топди.

Энди масалага янада ойдинлашиши учун газетхон эътиборини Ер кодексининг 41-моддаси мазмун-моҳиятига қаратамиз. Ушбу моддага кўра, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар



ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади. Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур модда талабига биноан, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши шарт. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлигининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу кодекснинг 86-моддасига мувофиқ, бошқа барча зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари Президентимизнинг 2019 йил 3 августдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланиши сўзсиз таъминланиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши 1-қисми "б" банди ҳам дўкондор Й.Бобоевнинг манфаатини кўзлаб, судга даъво ариза киритган адлия бўлимининг даъвоси ўринли эканлигини кўрсатди. Чунки Президент Фармойишининг мазкур бандида ер участкаларини олиб қўйишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангандан кейин рухсат берилиши, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 985-моддаси талабига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Суд иш ҳолатлари ва юқорида зикр этилган қонун талабларидан келиб чиқиб, ушбу даъво аризасини қаноатлантирди. Жавобгар Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигидан Й.Бобоев фойдасига 35 миллион 732 минг 635 сўм етказилган зарар ундирилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Қисқаси, дўкондорнинг бузилган ҳуқуқи тиклангани, етказилган зарар ўрни жавобгар ҳисобидан қоплангани мамлакатимизда демократик тамойиллар устуворлагининг ёрқин кўринишидир.

**Шерзод ТОШПЎЛАТОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича*
*Каттақўрғон туманлараро*
*судининг судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 8283
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23 00. Топширилди: 5 30.